



# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 6 сентябрь • № 36 (953)

Фахр

### ЮРАГИНГИЗНИ АСРАНГ!

У қалқиб турган томчидек  
нозик ва мураккаб



Халқимизда юрак фаолиятини қалқиб турган томчига қиёс қилишади. Бу албатта, бор ҳақиқат. Қандай шароит ёки қутилмаган ҳолат бўлмасин, инсонларда юрак соҳасига бўлган муружаат ва талаб, керак бўлса эҳтиёж кучи ҳам шунчалик ортиб бо-

раверади. Одам организми ўта мураккаб ва жумбоқлики, уни ақл-идрок, юксак маҳорат билан ечиш бир оз мушкулроқдек туюлади. Лекин, тиббиёт илмининг ривожини, қолаверса илғор тажрибалар бундай қийинчиликларни енгишга қодир бўлмоқда.

Дарҳақиқат, юрак қон-томир касалликларини даволаш, қолаверса, юрак соҳасидаги операция жараёнларини амалга ошириш нақадар нозик ва мураккаблигини инкор этиб бўлмайди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Бу борада юртимизда қандай муваффақиятларга эришилмоқда? Бунинг ифодаси сифатида фахр билан айтиш жоизки, **Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида 2013 йилнинг 22 август куни**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**га асосан, академик **В. Воҳидов** номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази жамоаси **“Юрак қон-томир касалликларининг диагностикаси ва даволашда замонавий услубларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” амалий тадқиқоти учун** фан ва техника соҳасида 1-даражали Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, тинимсиз изланиши натижасида қанчадан-қанча беморларга ҳаёт бахш этган марказнинг малакали мутахассислари Миржамол Зуфаров, Ҳамидулла Абдумажидов, Ҳакимжон Абралов, Фазлиддин Бахриддинов, Людмила Назировалар ушбу мукофотнинг совриндорлари бўлишди.

Марказ жамоасини ушбу дав-

(Давоми 2-бетда).

### ЯНГИЛИКЛАР

- хабар
- шарҳ
- таҳлил

#### ПОЛИКЛИНИКАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Сирдарё вилояти Боёвут туман марказий поликлиникасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

– Барча замонавий шароитларга эга поликлиника биноси туман аҳолиси учун ажойиб байрам тухфаси бўлди, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Абдумавлон Давлатов. – Бир вақтнинг ўзида 150 кишига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд муассасада 25 нафар малакали шифокор ва ҳамшира фаолият юритмоқда.

“Саломатлик-2” дастури доирасида ўрнатилган флюорография, УЗИ каби замонавий тиббий ускуналар беморларга аниқ ташҳис қўйиш ва касалликларни ўз вақтида даволашда муҳим аҳамият касб этаётир.

#### АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Энг улуг, энг азиз байрам арафасида Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида шошинч тиббий ёрдам маркази иш бошлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш самардорлигини ошириш, тизимни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

55 ўринга мўлжалланган ва энг замонавий тиббий ускуналар, ташҳис аппаратлари билан жиҳозланган мазкур марказ нафақат шаҳар, балки яқин атрофдаги туманлар аҳолисига ҳам малакали тиббий хизмат кўрсатади. Айни пайтда бу ерда тигиз жарроҳлик усули ҳам жорий қилинмоқда.

– Шаҳримизда мана шундай замонавий тиббий марказ иш бошлаганидан мамнунмиз, – дейди янгиерлик Нодира Раҳимова. – Малакали шошинч тиббий ёрдам ёки маслаҳат олиш учун илгаригидек вилоят маркази ёки пойтахтга боришга ҳожат қолмади. Шу ернинг ўзида зарурий шарт-шароит яратилган. Бундай гамхўрлик ва эътибор учун давлатимиз раҳбаридан фоят миннатдормиз.

#### СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Ф а р г о н а

вилоят урология марказида саксонга яқин тиббий ходим ишлайди. 2012 йилда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказнинг катталар, болалар урологияси, сунъий буйрак, кундузги поликлиника ҳамда лаборатория бўлимлари самарали иш олиб бормоқда.



Ахборот агентликлари ва ўз мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

### УШБУ СОНДА:

#### ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК – ДОИМИЙ МУҲОҒАЗАДА

Она ва болани бир-бири билан боғлиқ ҳолда тасаввур қиламиз. Соғлом онадан тўрт мучаси соғ, жисмонан бақувват, руҳан тетик фарзанд туғилади.



4

### КЕЙИНГИ СОНДА:

Барчамизга маълумки, ҳозирги замондаги тезкор, умуми ва ташвишларга тўла ҳаёт ҳар бир инсоннинг соғлигига таъсир қилмай қолмаяпти. Бу албатта, одамларда баъ-

### СОҒЛОМ УМУРТҚА – УЗОҚ УМР ГАРОВИ

зи бир хасталикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ана шундай касалликлардан бири остеохондроздир. Остеохондроз сўзи латин тилидан олинган бўлиб, суяк ва тоғай тўқималарида озикланишнинг бузи-

лиши (листрофия) натижасида тўқималарнинг ўзгариши “дегенерация” деган маънони англатади. Бу хасталик сурункали бўлиб, аҳоли орасида ногиронлик кўпайишига олиб келади.

Фахр

# ЮРАГИНГИЗНИ АСРАНГ!

## У қалқиб турган томчидек нозик ва мураккаб



лат мукофоти билан қутлаш ҳамда уларнинг дил сўзларини тинглаш мақсадида муассасага ташриф буюрдик. Аввало, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори Феруз Назиров қабулида бўлар эканмиз, мамлакатимиз тиббиёти равнақи йўлида ўзининг самарали меҳнати билан ҳурмат қозongan, хирургия мактаби асосчиларидан бири бўлган камтарин инсон суҳбат чоғида давлатимиз томонидан берилган ушбу мукофотдан мамнун эканлиги ва Президентимизга самимий миннатдорчилигини билдирди. Ушбу марказда бир неча йиллардан буюн юрак қон-томир касалликлари диагностикаси, даволаш ҳамда ўта мураккаб операцияларни бажариш борасида катта ютуқларга эришилаётган-

лишда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни дунё ҳамжамиятига кенг намойиш этиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш зарур.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг юқоридаги фикрлари замирида инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари ётар экан, бугунги кунда ушбу кардиохирургия мажмуасида ўтказилаётган ўта мураккаб юрак операциялари юқори малакали жарроҳларимиз томонидан муваффақиятли амалга оширилмоқда. Маълумки, мажмуанинг 1-қаватида кунига 200 беморни кўриқдан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, қон қуйиш станцияси, стационар шароитида даволадиган беморларни қабул қилиш



Бугунги кунда янги мажмуада оғир турдаги юрак хасталиги билан касалланган эрта ёшдаги (0-3 ёшгача) бемор болаларни сунъий қон айланиш шароитида операция қилиш имконияти мавжуд. Илгарилари болаларга кардиожарроҳлик соҳасида тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари улар уч ёшга тўлгандан кейин бошланарди. Янги мажмуада чақалоқларга ҳам мазкур йўналишда тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу хасталикларни эрта босқичда бартараф этиш имконини бермоқда. Кардиохирургиямизда эришган ютуқларимиздан яна бири дунёнинг энг кучли клиникаларида амалга оширилаётган операциялар бўлимида ҳам йўлга қўйилди. Яъни, аорта аневризмаси билан оғирган беморларда Бентал де Боно операциясини амалга оширмоқдамиз. Мазкур операция натижаларига кўра, ҳаёти қил устида турган 30 нафар оғир беморлар ҳаёти сақлаб қолинди. Бундай юқори технологик мураккаб операциялар марказимизнинг юқори салоҳиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Фаолиятимизга берилган давлат мукофотида хирургия мактабини яратиб кетган марҳум устозларимиз академик В. Воҳидов, профессор Д. Фуломовларнинг ҳиссалари беқиёслиги билан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Бунинг баробарида хирургия мактабини янада ривожлантириб, фан уфқларига кенг йўл очаётган Феруз Назиров сингари устозларимиз изидан бориб, халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилишга тайёрмиз.

Орттирилган юрак нуқсонлари хирургия бўлимида юрак клапанларини алмаштириш, турли ўсмавларни олиб ташлаш жараёнлари амалга оширилади ҳамда биологик клапанлар қўйилади, дейди орттирилган юрак нуқсонлари хирургияси бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Ҳамидулла Абдумажидов. Шунингдек, юрак ишемик касаллигида аорта коронар шунтлаш амалиёти юқори самара бермоқда. Таъкидлаш муҳимки, бемор юрагининг шикастланган клапани операция

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги фикрлар юртимиздаги энг нуфузли марказ фаолиятдан олинган қисқача маълумотдир. У ерда юрак қон-томир касалликлари бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенглигини тасаввур этиш қийин. Шундай экан, томчидек қалқиб турган нозик ва мураккаб юрагимизга ҳеч қачон озор бермайлик!

Ибодат СОАТОВА.  
Муаллиф олган суратлар.

лиги бежиз эмас. Чунки, марказ замон талабларига жавоб бера оладиган энг юқори технологиялар ҳамда тажрибали мутахассислар билан таъминланган. Эътирофлиси шундаки, давлатимиз раҳбарининг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек тиббиёт ходимларининг меҳнатини қўллаб-қувватлашдаги саъй-ҳаракатлари туфайли тизимда катта муваффақиятларга эришилмоқда. Жумладан, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуаси ишга туширилганлиги ҳам бунинг яққол ифодасидир. Айниқса, Юртбошимизнинг мазкур мажмуага ташриф буюрганликлари ва у ерда яратилган шарт-шароитлар жарроҳлик амалиёти жараёнида фойдаланиладиган замонавий тиббиёт техникаси ва технологияларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратдилар.

Жарроҳликда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ўрнатишда уларнинг имконияти ва замонавийлигини инобатга олиш керак, – деди Президентимиз. – Бу жараёнларнинг замирида уларнинг соғлиги, ҳаёти мужассам эканлигини асло унутмаслигимиз лозим. Жарроҳлик соҳасини янада тараққий эттириш учун ушбу йўна-

хонаси, конференция зали ва бошқа хизмат хоналари жойлашган. 2-қаватда 3 ёшгача болаларнинг туғма юрак нуқсонларини даволаш бўлими, интервенцион кардиология ва юрак уриш ритми бузилиши бўлими ҳамда ангиографик жарроҳлик хоналари мавжуд. 3-қават кардиожарроҳлик бўлимининг палата, гемодиализ ва трансплантация бўлимлари, клиник-диагностика лабораторияси ва диагностика хоналари, 4-қаватда эса реанимация бўлими жойлашган бўлиб, 2 та кардиожарроҳлик хонасига эга.

Давлат мукофотида сазовор бўлган шифокорлар билан суҳбатлашганимизда, уларнинг юзларидаги қувонч, касбларига бўлган меҳр, шунингдек, Оллоҳнинг назари тушган бетакрор истъодлари диққатимизни ўзига тортди.

Мен, авваламбор, меҳнатимизни қадрлаб, касб маҳоратимизга юқори баҳо берган Юртбошимизга миннатдорчилик билдираман, – дейди рентгеноэндоваскуляр хирургия бўлими бошлиғи, профессор Миржамол Зуфаров. – Ушбу давлат мукофотида эришишимизда албатта, бутун жамоанинг ҳиссаси катта. Маълумки, юрак қон-томир касалликлари диагностикаси, уни даволаш ҳамда юрак соҳасидаги турли операцияларни амалга ошириш осон эмас. Чунки, инсон организмидеги ҳар бир аъзонинг ўзига хос ўрни бор. Аъзолар ичиде юрак энг нозиги ҳисобланади. Шундай экан, юрак қон-томир

касалликларининг барчасига жиддий ёндошиш зарур. Ўтган ўн йил давомида юрак хирургия соҳасида катта ютуқларга эришдик десам, муболаға бўлмайди. Айниқса, туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари, сурункали ва ўткир юрак етишмовчилиги, юрак ишемик касалликлари ўз асоратлари билан инсон ҳаётига хавф солиши табиий. Ушбу йўналишдаги ўта мураккаб операциялар марказимизда юқори технологиялар асосида бажарилмоқда. Диагностика ва даволаш жараёнида қўлланилаётган тиббий технологияларнинг барчаси жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ишланмаларидир. Улар юқори сезгирликка эга. Масалан, сунъий нафас олдириш аппарати ўпка ҳажмига синхрон тарзда мослаша олади. Ангиография аппарати эса юрак ҳолатини чуқур ўрганиш баробарида ўпка артерияси босимини ҳам мукаммал тахлил этиб беради. Орттирилган, туғма юрак нуқсонларининг баъзи турларини рентген эндоваскуляр усулда даволаш ҳам йўлга қўйилган. Унда бемордаги томир ўзгаришида наркоз бермасдан туриб, пункция йўли орқали юрак қон-томирлари стентланади.

Янги мажмуанинг барпо этилиши беморларга тезкор ёрдам кўрсатиш имкониятини янада кенгайтди, – дея фикр билдирди болалар туғма юрак нуқсонлари жарроҳлиги бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Ҳакимжон Абролов. –

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Бугуннинг мавзуси

## АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛЛАШУВ

## ёшларнинг маънавий дунёсига хавф солмоқдами?

**Глобаллашадиган дунёда ахборот-коммуникация технологиялари ва айниқса, интернет кишилар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Глобал тармоқ шиддат билан ривожланиб, имкониятлари тобора кенгаймоқда. Ҳар куни виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши унинг ҳажми дақиқа сайин ўсиб бораётганидан далолат беради. Шу боис, у орқали юзага келиши мумкин бўлган муаммолардан имкон қадар ўзимизни ҳимоя қилишимиз лозим.**

Айни пайтда тадқиқ этилаётган масалалар орасида глобаллашувдан долзарброқ мавзуни топиш мушкул. Чунки, унинг технологик, молиявий-сиёсий, маданий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари билан нафақат ривожланган мамлакатлар, балки бутун дунё юзма-юз турибди. Айниқса, ахборот соҳасидаги глобаллашув инсонлар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Ҳозирги кунда ахборот маҳсулотларининг дунё бозоридаги даромади "қора олтин", самолётсозлик ва автомобилсозлик каби соҳалар даромадидан ҳам ошиб кетди.

Ахборот глобаллашув барча хусусий шахслар, компаниялар ва бирлашмаларга ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этишда улкан имкониятлар яратади. Инсоният тарқиётида, савдо-тижорат, маркетинг, туризм ва бошқа кўплаб соҳаларни ўзлаштиришда интернет имкониятлари ва хизматларидан кўз юмиб бўлмайди.

Биринчидан – ахборот глобаллашув натижасида бир миллат онгига бошқа бир миллат маданияти, урф-одати ва ҳаёт тарзи сингиб бориши мумкин. Бунда кинофильмлар, телесериаллар, кўшиқлар ва клиплар алоҳида ўрин тутди. Иккинчидан – ахборот глобаллашув натижасида жаҳондаги камсонли халқ тилларининг мавқеи пасайиши, ҳаттоки, айримларининг йўқолиб кетиши кузатил-

моқда. Учинчидан – ахборот глобаллашув натижасида бир қатор йирик давлатлар дунё ахборот оламида ҳукмронликка интила бошлади. Натижада давлатлар бир-бирини ички ва ташқи ахборот бозоридан сиқиб чиқаришга уринади. Оқибатда эса давлатларaro ахборот кураши бошланади. Бу урушдан асосий мақсад ахборот-психологик соҳада сиёсий устунликни таъминлашдир.

Ахборот урушининг макони мавжуд эмас ва у оддий урушдаги каби денгиз ёки қуруқликда олиб борилмайди. Бу уруш ахборот технологиялари юксак бўлган, оммавий ахборот воситалари ривожланган ҳудудларда мавжуд. У худди "тинч уруш" сингари фақат гоёвий шаклда олиб борилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ахборот соҳасида глобаллашувнинг фойдали ва айни пайтда ўта хавfli жиҳатлари мавжуд. Биз тўғридан-тўғри масаланинг ечимига тўхталмоқчимиз: хўш, мана шу салбий жиҳатлардан ҳимояланиш учун нима қилмоқ керак?

Энг аввало, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежларда миллий истиқлол гоёлари масалаларига эътиборни кучайтириш лозим. Ёшларимизни маънан ва руҳан соғлом тарзда тарбияламоғимиз керак. Уларни шундай тарбия қилайликки, дуч келган ёт фикрни ўзларига ўрнак сифатида қабул қилиб олишмасин. Маъ-

навияти юксак ёшлар нимани қабул қилиш кераклигини яхши билишади. Ахборот глобаллашувни тўхтатиб бўлмайди, бироқ у орқали юзага келиши мумкин бўлган муаммолардан имкон қадар ўзимизни ҳимоя қилишимиз лозим. Бунга қарши ҳимояланиш жамиятнинг маълум қатламлари учунгина эмас, барчамизнинг бирдек вазифамиз эканлигини унутмайлик.

Бугун "глобаллашув" деб атаётган шиддатли ўзгаришлар таъсирида дунё миқёсида турли миллатлар ва халқлар маданиятининг ўзаро яқинлашув жараёни давом этмоқда. Бунда ахборот муҳим мулоқот воситаси вазифасини бажармоқда, десак, муболага бўлмайди. Эндиликда ахборот энергия манбалари сингари стратегик ресурсга ва жаҳон истеъмол бозоридаги "энг қimmat товар"га айланди. Давлатларнинг бир-бирига сезиларли даражада ўсган боғлиқлиги натижасида бир минтақадаги хоҳсалбий, хоҳ ижобий воқеа-ҳодисалар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез суръатларда тарқалиб, ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Албатта, глобаллашув жараёнлари халқларнинг инсоният ютуқларидан бирдек баҳраманд бўлишини таъминлаётгани баробарида миллатларнинг маънавияти ва қадриятларининг такомиллиги доир қатор зиддиятларни ҳам келтириб чиқармоқда. Таъкидлаш жоиз: глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ зиддиятлар маданият соҳасида кўпроқ намоён бўлапти.

Шу ўринда глобаллашувни "яқин кудратли давлатнинг қарор топиши, ягона жаҳон маданиятига эга халқро ҳамжамиятнинг таркиб топиш жараёни" сифатида талқин этувчилар, глобал ҳакамликка даъво қилувчилар ҳам кам эмаслигини айтиб ўтиш лозим.

Айниқса, Марказий Осиё минтақасида турли манфаатлар ва мафураларнинг аёвсиз тўқнашуви кузатилаётганини эътиборга олмаслик мумкин эмас. Авваламбор, Марказий Осиё давлатлари бу жараёнда пассив объектлар эмас, балки ўз миллий манфаатларига эга фаол иштирокчилар сифатида қатнашмоқдалар.

Ачинарли томони шундаки, ғараз ниятли кучлар ўз мақсадларига эришиш учун аксарият ҳолларда ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшлардан қурол сифатида фойдаланмоқдалар. Таҳлилларга мувожаат қилсак, дунё миқёсида содир этилган аксарият тартибсизликлар, "рангли инкитоблар"ни уюштиришда ёшлар омили етакчи роль ўйнаётгани аён бўлади.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси шароитида ёшлар омили бугун миллий ўзига хосликни сақлаб қолишда ҳамда давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим куч сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги мураккаб даврда мамлакатимиз ёшларига глобаллашув даври салбий ҳодисалари хавфини камайтириш ва уларни маънавий етук шахслар этиб тарбиялаш учун ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш зарур.

Бизнингча, фуқаролик позициясига эга инсонгина жамиятнинг асосий мақсадлари нимадан иборатлигини тушуниб, халқ ва жамият олдидagi масъулиятини чуқур англайди. Шу билан бирга фуқаролик позициясини шакллантириш ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилиб, маънавий комилликка эришувида асосий ва белгилувчи омил вазифасини ўтайди. Энг муҳими эса фуқаролик позицияси инсонга ўзлигини англаб олишда ёрдам беради. Ўзлигини англаган инсонгина ўтмиши

билан фахрланиб, унга муносиб бўлишга интилади.

Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш – бу халқнинг тарихи, маънавий қадриятлари, Ватанимизнинг имкониятлари ва истиқболини билиш ҳамда кадрлаш, фахрланиш, миллий манфаатларни амалга оширишга ҳаракат қилишни тарбиялаш демакдир.

Албатта, ёшларга оид сиёсатни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва сиёсий партиялар амалий тақлифлар, муқобил лойиҳалар ва ташаббуслар билан фаол иштирок этишлари лозим. Фуқаролик жамияти шароитида ёшларда фаол фуқаролик позицияси, дахлдорлик ҳисси ўйғониши ҳамда уларнинг манфаатлари гуруҳий манфаатлар шаклида давлат вазифаси даражасига кўтарилиши учун сиёсий партиялар ва жамоатчилик ташкилотлари кучли ва таъсирчан бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш орқали ватанпарвар, миллий қадриятларга содиқ, юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини тўғри англайдиган, уларни давом эттиришга қодир шахсларни тарбиялаш имкониятига эга бўлаемиз. Ушанда ёшлар жамиятда фақат "истеъмолчи" сифатида эмас, балки маънавий шакланган етук шахс сифатида ҳаракатланадилар ҳамда жамиятимизнинг бунёдкор кучига айланадилар.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

(Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмагида тайёрланди).

## Тадбир

## ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

**Қалбларга қувонч ва шодлик бахш этиб, дилларимизга эгулик уруғини сочган Истиқлолимизнинг 22 йиллиги республикамизнинг барча тиббиёт муассасаларида кўтаринки кайфият билан нишонланди. Шу жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиник шифохонасида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон! шioriга бағишланган байрам тадбири ўзгача шукӯҳ билан ўтказилди.**

Тадбирни клиника бош шифокори Жасур Ризаев кириш сўзи билан очиб, меҳмонлар ҳамда жамоани самимий қутлаб, мустақиллигимиз шарофати билан тиббиёт тизимида қўлга киритилган ютуқлар, инсон саломатлиги, унинг манфаатлари йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик боис турмуш фаровонлиги ошганлигини алоҳида эътироф этди.

Тадбир давомида мазкур клиникада кўп йиллар давомида ўзининг ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор қозонган бир гуруҳ меҳнат фахрийлари маъмурият томонидан юксак қадрланиб, эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, ушбу кечада Ўзбек



Миллий академик театридан ташриф буюрган бир гуруҳ актёрлар даврага ўзгача файз киритиб, тиббиёт ходимлари меҳ-

натидан мамнун эканликларини изҳор этиб, саҳна кўринишларини тақдим қилишди.

– Истиқлолимиз берган имконият туфайли серкўёш Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнамоқда. Юртбошимизнинг халқимиз фаровонлигини яна-



ятларнинг барчаси келажак авлодларимизнинг бахту камол учун экан, бу борада биз ҳам ўз меҳнатларимизни аямаймиз, – дейди Ўзбек Миллий академик театри актёри Ҳамид Тошпўлатов.

Халқимизнинг сеvimли санъат усталари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан жамоа аҳлини хушнуд этдилар.

Албатта, бундай тадбирларнинг ўтказилиши инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш билан бирга, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатларини қадрлашдан иборатдир.

**Диёра БОЗОРОВА.**  
Суратлар муаллифи  
**Ибодат СОАТОВА.**

## Қарор ва ижро

Самарқанд вилояти

## ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК — ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

**Она ва болани бир-бири билан боғлиқ ҳолда тасаввур қиламиз. Соғлом онадан тўрт мучаси соғ, жисмонан бақувват, руҳан тетик фарзанд туғилади. Ўзбек халқчалик болажон миллат бўлмаса керак. Унинг турмуш тарзига чуқур сингиб кетган ана шу сифат ҳукумат миқёсида кун тартибига қўйилаётган миллат генофондини яхшилаш, мамлакатни ҳар томонлама – ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ривожлантиришда ўз ўрнини аниқ белгилаб оладиган баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад билан уйғунлашиб кетгандек гўё. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан бошлабқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом фарзандларни дунёга келтиришнинг барча чора-тадбирларини кўришга жиддий эътибор қаратилди.**

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда қабул қилинган "Она ва бола" Давлат дастури тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, ўша йилнинг 1 июлида қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари барча ҳудудларда ижро учун йўналтирилиб, муайян ютуқларга эришилмоқда.

Ҳозир мамлакатимизнинг қайси вилояти ёки унинг таркибига кирувчи бирорта туманга бориб, айнан шу йўналишдаги ишлар билан қизиқадиган бўлсангиз, кенг қамровли жараён кетаётганини кўрасиз. Жумладан, Самарқанд вилояти марказидан 98 км. узокликда жойлашган Қўшработ тумани тиббиёт бирлашмаси шифокорлари давлат миқёсида қўйилаётган вазифаларга масъулият билан ёндашиб келмоқда. Аввало, бирлашма маъмурияти мавжуд кадрлар малакасини оширишга эътибор қаратаётганини таъкидлаш жоиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 3 нафар терапевт, 3 нафар педиатр Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг врачлар малакасини ошириш факультетида малака ошириб келди. Аҳоли саломатлигини сақлаш жараёнига 105 нафар олий маълумотли шифокор жалб қилинган. Шундан 9 нафари олий тоифали, 44 нафари биринчи тоифага мансуб. Ўрта бўғинда меҳнат қиладиган 729 нафар тиббиёт ходимининг 52 нафари олий тоифага эга.

Туман тиббиёт бирлашмаси, марказий поликлиника, қишлоқ

участка шифохонаси ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида фертил ёшдаги аёллар сони аниқланиб, тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. 31160 нафар туғиш ёшидаги аёлдан 30912 нафари, яъни 99,2 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилган, аниқланган касалликлари бўйича уларнинг маълум қисми амбулатория ва стационар шароитда соғломлаштирилди. Хавфли гуруҳга мансуб 22 нафар ҳомиладор аёлнинг 21 нафари вилоят туғруқ комплексларига ётқизилиб, даволанди. 58 нафар ҳомиладор аёл ультратовуш текширувидан ўтказилиб, гумон қилинган ҳолат аниқланиши учун вилоят скрининг марказига юборилди. Хавфлилик даражаси аниқланган 3 нафар аёлда ҳомиладорлик тўхтатилди.

Оналар ва болалар ўлимини бартараф этиш, ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтишини таъминлаш, аниқланган экстрагенитал касалликларни даволаш, туғруқлар орасини узайтириш каби бир-бирига боғлиқ жараёнлар туман тиббиёт муассасалари томонидан намунали ташкил этилмоқда. 2012 йилда ва 2013 йилнинг ўтган ойлари мобайнида оналар ўлими қайд қилинмаган. Болалар ўлимига йўл қўйган даволаш-профилактика муассасалари ходимларига нисбатан қатъий чора кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жорий йил 14 июндаги 907-сонли фармойишига мувофиқ, 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларда А витамини сапленментацияси ўтказилиб, 11229 нафар болага А витамини бепул тарқатилди. Марказлаштирилган ҳолда харид қилинган поливитаминовлар махсус комплекси – "Компливит мама" ҳомиладорликнинг бешинчи, олтинчи ҳафтасини бошдан кечираётган оналарга бепул тарқатилди. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги дорихонага поливитаминов комплекси – "Витрум-пренетал" 12787 ўрамда келтирилиб, ҳар бир ҳомила-

дор аёл 150 кун мобайнида қабул қилиши учун текин тарқатилди. Поливитаминов барча даволаш-профилактика муассасаларида ҳомиладорликнинг 4-5 ҳафтасидан бошлаб берилиши назоратга олинди.

– Соғлом фарзандни дунёга келтиришда туғруқлар орасидаги муҳим камиди 3 йил бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир, – дейди оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг ўринбосари, олий тоифали шифокор Шавкат Ўролов. – 2012 йил таҳлилига мувожаат қиладиган бўлсак, йил кўрсаткичлари орасидаги тафовут 281 нафар (23,5 фоиз) аёлнинг уч йилда, 353 нафар аёл (29,6 фоиз) уч йилдан кейинги даврда ҳомиладор бўлиши олиб бораётган тарғибот-ташвиот ишларимиз самараси бўлса керак. Ўз фарзандларини бир-икки йиллик оралиқда дунёга келтираётган оналар жуда камчиликни ташкил этаётгани қувонарли ҳолдир. 35 ёш ва ундан катта ёшдаги аёллар ўртасида туғишни чеклаш ишларига катта эътибор берилиши натижасида бор-йўғи 25 нафар, яъни 2 фоиз аёл фарзанд кўрган. Бундан ташқари, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари бўйича туман аҳолиси ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилгани туфайли, 16-17 ёшдаги келинларнинг туғиш жараёни кузатилмади. Демак, аҳоли ўртасида репродуктив саломатлиқни асраш бўйича қилинаётган ишлар ўз самарасини берар экан.

Албатта, соғлом болалар қаторида турли сабабларга кура, ногирон гўдаклар ҳам дунёга келиши мумкин. Жисмоний ва руҳий имконияти чекланган болаларни алоҳида назорат остига олиш, уларни реабилитация қилиш, нуқсонига қараб даволаш ишларини ташкил этиш шифокорлардан катта масъулият талаб қиладди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 16 июлдаги 318 ҳамда 2009 йил 25 сентябрдаги 291-сонли "16 ёшгача бўлган ногирон болаларга тиббий ҳулоса бериш тартиби ҳамда уларга кўрсатилмаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш тўғрисида"ги буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти томонидан бир қанча чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бу иш махсус комиссия зиммасига юклатилган бўлиб, унинг таркибига киритилган аъзолар болада қайд қилинган назологик (касалик) бирлигини аниқлаб, имкон даражасида уни даволаш чора-



ларини белгиламоқда. Ақлий ривожланишдан орқада қолган, таълим оқибат тизими касалланган, кўзи ожиз ёки заиф эшитувчи ногирон болалар 2013 йилнинг 1 июль ҳолати бўйича 218 нафарни ташкил этади. Улардан 68 нафари умумтаълим мактабларида инклюзив таълимга жалб қилинган, 31 нафари уй шароити, 20 нафари махсус мактаб-интернатлар имкониятидан фойдаланмоқда. Ногирон болаларнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож қисми таҳлил қилинганда, улардан 13 нафари турли тиббий техник воситаларга, протез-ортопедия маҳсулотларига муҳтожлиги аниқланиб, тегишли ташкилотлар кўмағида 11 нафарининг эҳтиёжи қондирилди. Қолган 2 нафари учун буюртма берилган. Шунингдек, ногирон болаларни касаллик турига қараб вилоят маркази ҳамда Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган даволаш муассасаларига юбориш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. 4 нафар ногирон бола республика миқёсидаги шифохоналарда, 17 нафари вилоят травматология шифохонасида, 4 нафари вилоят реабилитация марказида, 11 нафари Самарқанд Давлат тиббиёт институти клиникасининг "Асаб касалликлари" бўлимида, 5 нафари вилоят болалар жарроҳлиги илмий марказида даволашни қайтишди.

– Туғма ногирон болаларни реабилитация қилиш, касаллик турини аниқлаб, шунга яраша даволаш чораларини кўришнинг самараси катта, – дейди бу жараённи шарҳлаб Шавкат Ўролов. – Бола даволаш муассасасида ўзини анча тиклаб қайтган, унга соғайиб кетди-ку, дея эътиборсиз бўлишимиз керак эмас. Даволаниб қайтган болаларни педиатр-шифокор назорат остига

олади, қўшимча даволаш тадбирларини амалга оширади. Уларнинг ота-оналарига зарур тиббий-амалий маслаҳат беради.

Келажакка бугундан бошлаб тамал тоши қўйилади. Умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўсмир қизлар саломатлигини сақлабгина "Соғлом она – соғлом бола" ширининг амалдаги ижросига пойдевор қўйилади. "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 3637 нафар ўсмир қиз тиббий кўриқдан ўтказилгани, аниқланган экстрагенитал касалликлар бўйича 1116, гинекологик хасталиклар бўйича 165 нафарига даволаниши учун шарт-шароит яратилгани уларнинг келажакдаги тақдирини да муҳим роль ўйнаши табиий.

Албатта, ҳукумат миқёсида қўйилаётган вазифаларни тўлиқ ва мукамал адо этишга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Қўшработ тумани бўйича бор-йўғи 7 нафар гинеколог фаолият кўрсатмоқда. Педиатр кадрлар ҳам етишмайди. Айрим қишлоқ врачлик пунктларида олий маълумотли умумий амалиёт шифокорлари етишмаслиги туфайли ўрта бўғин кадрлари хизматидан фойдаланилмоқда. Бундай муаммолар кузатилишига қарамай, туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари аҳоли саломатлигини сақлашнинг мавжуд имкониятларини ишга солаётир. Зеро, шифокор ҳар қандай вазиятда бемор ҳаётини сақлаб қолишга тайёр туриши керак. Ишларни хоҳламангандан ахтарайди, хоҳламаганлар эса баҳона излайди.

**Хулқар КУЗМЕТОВА.**

## Ижтимоий ҳимоя

## ҲАМКОРЛИК ИЖОБИЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА

**Юртимизда инсон қадрини азиз, муқаддас. Шу боис, аҳоли саломатлигини сақлаш, юксак даражадаги тиббий хизматни йўлга қўйиш борасидаги кенг қўламли ишлар амалга оширилляпти. Айниқса, туғма ёки бахтсиз ҳодисалар туфайли ногирон бўлиб қолган инсонлар саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Ходимларимиз даволаш-профилактика муассасалари томонидан тақдим этилган тиббий ҳужжатлар асосида фуқаронинг касаллик туфайли ҳаёт фаолияти чекланганлик даражасини, ногиронлик гуруҳини ва муддатини аниқлаш билан бирга, улар тиббий-ижтимоий ёрдамнинг қайси турига муҳтожлигини ҳам аниқлашмоқда. Шунингдек, беморларни назорат

қилиш, шу орқали ҳудудда ногиронликни камайтиришни ўзларининг асосий вазифалари деб билишмоқда. Тиббиёт бирлашмалари, пенсия жамғармалари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликдаги ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Жамоамиз шу йўналишдаги ишлар-

ни кучайтириб, жорий йилнинг олти ойи мобайнида ижобий натижаларга эришди. Чунончи, 74 кишининг ногиронлик гуруҳи бекор қилинди, 99 кишининг ногиронлик гуруҳи эса енгиллаштирилди.

Келгусида бемор ва ногиронларни даволаш ва умуман аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиб, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун талаблари ижросини тўла таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

**Раҳима НОРХИДІРОВА,**  
Денов туманлараро 66-сонли  
ТМЭК раиси.

## Обуна – 2013

**Хурматли муштарийлар!**  
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2013 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна мавсуми



давом этмоқда.  
**Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар!**  
Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ва ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишини, янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни нуутманг!  
Нашр индекси: 128.

## Шаги реформ

## РЕФОРМЫ ВО ИМЯ ЧЕЛОВЕКА

**За годы независимости в нашей стране по инициативе Президента Узбекистана Ислама Каримова были проведены масштабные реформы в здравоохранении, благодаря которым достигнуты весомые успехи в деле укрепления здоровья населения. В настоящее время в Узбекистане внедрены самые передовые формы и методы лечения, а достижения в сфере защиты материнства и детства, экстренной медицинской помощи, подготовки высококвалифицированных медицинских кадров, оснащения медучреждений самым современным оборудованием весьма значительны.**

В современной истории отечественного здравоохранения 1998 год является особенным. Именно тогда в соответствии с указом Президента началась глобальная и во многом беспрецедентная реформа медицинской сферы. Была принята государственная программа, в которой четко определены этапы формирования национальной модели здравоохранения.

В современных условиях повышения квалификации врачей общей практики (ВОП).

Одним из новшеств, произошедших в первичном звене, является преобразование городских поликлиник в семейные. Теперь эти учреждения работают по новому принципу. Если раньше с гипертонией, простудой, головной болью приходилось обращаться к терапевту, с ребенком до 15 лет

чеким состоянием членов семьи, своевременное выявление и лечение заболеваний, повышение медицинской культуры населения – вот главная задача врача общей практики. Особо остановимся на медицинской помощи, которую он оказывает беременным и новорожденным. Ведь сохранение и повышение уровня здоровья матерей и детей – одна из важнейших государственных задач, решение которых позволит обеспечить воспроизводство здорового поколения. Состояние здоровья женщин и детей, уровень материнской и младенческой заболеваемости имеют большое социально-политическое значение и характеризуют не только медицинскую помощь женщинам и детям, но и состояние системы здравоохранения и общества в целом.

Безопасное материнство означает не только профилактику заболеваемости и смертности, оно предполагает всецелую заботу о здоровье матери и ребенка. В это понятие входят физическое, умственное и социальное благополучие женщины до родов, во время и после родов, что должно обеспечить рождение здорового ребенка и здоровое детство.

Вот тут важную роль играют врачи общей практики, одной из главных задач которых является подготовка женщин фертильного возраста к здоровой беременности. Она заключена в информированности будущих и молодых мам о факторах, влияющих на здоровье новорожденных и самих женщин. К примеру, это могут быть недостаток необходимых микроэлементов в организме беременной, неудовлетворительное физическое состояние. Важным остается и раннее выявление экстрагенитальных заболеваний у женщин фертильного возраста, которым следует своевременно провести лечение и реабилитационные мероприятия, и лишь потом планировать беременность. В случае же ее возникновения врач общей практики должен взять беременную под наблюдение (желательно на ранней стадии – 12-14 недель) и определить срок родов. Провести беседы по охране здоровья беременной и антенатальной охране плода. В его обязанности входит также оформление индивидуальной карты беременной и родильницы, которую он выдает на руки при сроке беременности 28 и более недель.

Подчеркнем, что наблюдение беременных, имеющих экстрагенитальное заболевание, проводится совместно со специалистом. На сроке 18-22 недели беременности врач общей практики должен своевременно направить будущих мам в скрининг-центр для диагностики перинатальной патологии. А при ее обнаружении оперативно организовать экспертную консультацию. Анализ данных ультразвукового исследования (УЗИ), биохимического скрининга, заключений специалистов тоже входит в его сферу деятельности. Он также обязан принимать решения для продолжения беременности, выра-

батывать рекомендации по родоразрешению, рассматривать вопросы, связанные с прерыванием беременности при декомпенсации экстрагенитальной патологии или при выявлении пороков развития плода.

